Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24319063

materiallar to'plami

Инновацион салоҳиятни бошқаришнинг концептуал модели

Дадажонова Мартабахон Маҳмудовна, Иқтисод фанлари номзоди, доцент, Андижон машинасозлик институти
Усмонжонов Шохжахон Менежмент, йўналиши 4 курс талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада *инновацион билимларни истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш жараёни ёритилган. Янгилик-маҳсулот фақат технология ташувчисига айланиб, у касб этган шакл эса фақат технология қондирилаётган эҳтиёж билан боғлангандан кейин намоён бўлади.*

Калит сўзлар: *инновация, эҳтиёж, технология, янги маҳсулот, инновацион жараён.*

Концептуал ёндашув энг асосий ғояни, муайян устуворликларга эга инновацион жараённи бошлаш ва уни амалга оширишни англатади. Мамлакатимиз тараққиёти, умуман, иқтисодиётда инновацияларнинг, илмий-техник ютуқларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли ва аҳамияти ниҳоятда катта. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилишининг 70 фоизи техник омиллар - маҳсулот, технологик янгилик ва янгиланишлар ҳисобига таъминланади.

Шу билан бирга айтиш жоизки, кўплаб корхоналар, илмий-техник мажмуалар, ташкилотлар, шунингдек, айни пайтда самарали фаолият юритиб келаётган алоҳида тармоқлар учун инновациялар хавфли бўлиши ҳам мумкин. Чунки улар турли янгиликларни яратгани ва ўзлаштирганлари билан, ушбу илмий-техник ютуқлар қандай оқибатларга олиб келишини кўра билмасликлари, инновацион фаолиятнинг зарур даражаси ва йўналишларнинг мос тарзда сақлаб қола олмасликлари мумкин. Бунинг натижасида, аксарият ҳолларда, инновацион ечимлар натижалари асосида самарадорликни таъминлашга, уринишларга қарамай, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг тушиб кетишига бозор улушининг бой берилишига ва охир-оқибатда, инқирозга юз тутишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, корхоналар ва кичик тармоқ молиявий-иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви фақат инновацияларни йўқлиги оқибатида содир бўлмайди. Бу ерда муаммо инновацияларнинг ўзида эмас. Балки биринчи галда, янгиликларни самарали бошқариш ва бунда муайян кўрсаткичга ёки кўрсаткичларга йўналтирилганлигидадир. Қуйидаги кўрсаткичлар ушбу фикримизни тасдиқлайди. Инновацион ишланмаларнинг атиги 10 фоизигина тижорат ютуғига олиб келади, қолган 90 фоизи муваффақиятсиз ишланмалардан иборат бўлади.

Инновацион янгиликларни жорий этаётган корхоналар олдида инновацион жараёнларни бошлашдан олдин ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор масалалар мавжуд бўлиб,уларга қуйидагилар киради:[1]

- инновацион жараённинг барча вазифалари ва босқичларини

Published: 10.11.2023

Cite this article: Дадажонова Мартабахон Маҳмудовна, Усмонжонов Шохжахон (2023). Инновацион салоҳиятни бошқаришнинг концептуал модели. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319063

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

корхонада ҳал этиш;

- инновацион ишланмаларнинг қанча қисми ўзга ташкилотлар томонидан бажарилишини аниқлаш;
- қўйилган масадга лицензиялар ёки “ноу-хау”ни қўлга киритиш йўли билан эришиш;
- инновацион ишлар харажатлари ишлаб чиқаришга ёки маркетингга сарфланадиган умумий харажатларга қараганда, юқорироқ бўлган самарадорликни таъминлай олиши;
- ишлаб чиқариш ва маркеитнгга сарф этилган харажатлар қисқа муддатда анча самарали фаолият юритаётган корхонанинг узоқ вақт давомида самарадорлигини кафолатлай олиши.

Янгиликларни турли-туман хилларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволларга жавоб топиш янада мушкулдир. Ушбу корхоналарга комплекс тарзда қараладиган бўлса ёки уларни турли даражада бирлаштирилиши учун муайян устуворликларга йўналтирилган аниқ концепция ишлаб чиқилган бўлиши керак. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида сўнгги пайтларгача инновацияларни бошқаришнинг барча даражаларида уларнинг маҳсулотга йўналтирилганлиги, яъни, янгиликларнинг ишлаб чиқаришга қаратилганлигини кузатиш мумкин эди (1-чизма). Концепцияга кўра, инновацион жараённи маҳсулотга йўналтирилганликни ифодалайди, яъни бунда истеъмолчининг ишлаб чиқарувчига нисбатан позицияси жуда заиф бўлади. Бу ерда янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатишга боғлиқ бўлган барча шартларни ишлаб чиқарувчи қўяди.

Бозор муносабатларига ўтиш, ишлаб чиқаришнинг таркибий қайта қурилиши ҳамда ижтимоий эҳтиёжларнинг мураккаблашуви истеъмолчи позицияларининг кам мустаҳкамланишига олиб келади. Шуни эсда тутиш керакки, маркетинг ғояси, уларнинг бундай ўзгариши нуқтаи назаридан олиб қараганда, янгиликлар ўз ҳолича якуний мақсад эмас, фақатгина истеъмолчи эҳтиёжларини англашдан иборат. Гарчи, сўнгги йилларда истеъмолчиларнинг талаблари маълум даражада яратилаётган янгиликларда аксини топаётган бўлса-да, барибир бу ижобий жараён инноваторни, яъни, инновациялар “ташаббускори”ни истеъмолчига яқинлаштирмайди.[2]

1-чизма

Инновацияларни бошқаришнинг кузатув тизими



Бундан келиб чиқадики, тадқиқотчи конструктор ва технолог ҳанузгача бозордан ажралиб қолмоқда. Улар ҳали инновацияларнинг тижорат нуқтаи назаридан салоҳиятига ҳамда уларнинг шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондира олишига баҳо беролмайдилар. Шунинг учун ҳам, муқобил янги концептуал ёндашув зарур.

Бундай ёндашувга инновацион билимларни истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш жараёни сифатида қаралади. Янгилик-маҳсулот фақат технология ташувчисига айланиб, у касб этган шакл эса фақат технология қондирилаётган эҳтиёж билан боғлангандан кейин намоён бўлади. Натижа битта - янгилик-маҳсулот бўлса-да, биз, бу ерда уни ишлаб чиқарувчининг инновацион салоҳиятни бизнес мақсадларига трансформациялаш характери ҳақидаги тасаввурларининг қанчайин ўзгарганини кўрамиз, чунки, иккинчи ёндашув бўлажак истеъмолчининг эҳтиёжларига бўйсунлирилган. Янгиликлар кўрсаткичлари бўлажак бозор эҳтиёжларига боғланганда муваффақиятсиз янгиликлар фоизи камаяди, зеро, уларнинг кўпчилиги бундай боғликдикнинг йўқлиги билан белгиланади.

Инновацияларнинг самарадорлиги тижорат ютуғига кўплаб омиллар билан таъсир қилади, улардан энг асосийлари:

- бозорга йўналтирилганлик;
- инновацион лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолашнинг самарали тизими;
- лойиҳаларни самарали бошқариш ва назорат қилиш;
- ижодий ғоялар манбаи;
- ташкилотнинг янгиликларга мослашувчанлиги, таъсирчанлиги;
- янгиликларга қаршилик кўрсатиш.

Маълумки, янгиликларни яратиш ғояси одатда бозор эҳтиёжларидан келиб чиқади ёки ИТТКИ бўлинмалари ичида туғилади. Ушбу икки йўлдан қайси бири самаралироқ эканлиги ҳақида кўпинча қарама-қарши фикрлар билдирилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамалакатлар амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, янгиликлар асосини, ташкил қиладиган барча ғояларнинг 2535фоизи ИТТКИ бўйлинмалари ичида пайдо бўлади. Уларнинг аниқ нисбати қандай бўлмасин, шуниси аниққи, ИТТКИ ҳам маркетинг, ҳам ғояларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади, ривожланишига эса, аксарият ҳолларда заиф коммуникациялар ва ўзаро тушинишнинг йўқлиги тўсқинлик қилади. Янгиликларни яратиш ғоясининг ушбу иккита ижодий манбасини бир-бирига қарши қўйиш унчалик тўғри эмас. Техник томонлар ва бозорга боғлиқ жиҳатларни бир-бирига унумли боғлаш зарур, бунга эса, хизматлар ўртасида яқин алоқаларни йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

Хулоса ўринда кўриб чиқилган концептуал моделларга нисбатан бу шуни англатадики, ҳар иккала ёндашув, яъни “Маҳсулотга йўналтирилганлик” ва “Бозорга йўналтирилганлик” маълум даражада ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Давлат иқтисодий ривожланишининг, тармоклар ва корхоналар ҳолатининг ҳозирги

босқичида иккинчи концептуал бошқарув - бозорга йўналтирилгани устуворлик берилади. Бироқ шунга қарамай, мазкур ҳолда ҳам ижодий ғояларнинг икки манбаи ўртасида муайян нисбат сақланиши лозим. “Маҳсулотга йўналтирилганлик” концептуал ёндашувидан воз кечиш, бозор муносабатларига ўтиш заруриятини рўкач қилиш мақсадга мувофиқ эмас, шу билан бирга инновацияларни бошқаришнинг барча даражаларида нотўғридир. Ушбу қарашлар янги ишланмаларнинг камайиб кетишига, инновациялар илмий-техник даражасининг пасайишига ва охир-оқибат, мамлакатнинг, унинг минтақалари, шунингдек, алоҳида тармоқлар ва корхонларнинг инновацион салоҳияти ривожланиш нуқтаи-назаридан орқада қолишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Николаев А.Инновационное развитие и инновационная культура. Москва-2001.
2.Кравченко С.И., Кладченко И.С. Исследование сущности инновационного потенциала Донецк, 2003.
3. Иванов О.М. Экономика и социология труда (для бакалавров) / О.М. Иванов, К.В. Данилин. - М.: КноРус, 2012.
4. Дадажонова М. Рақамли иқтисодиѐт шароитида корхоналар инновацион фаолиятини бошқариш асослари. Andijon mashinasozlik instituti“Iqtisodiyot” kafedrasi professori, iqtisod fanlari doktori Qiyomiddin Muftaydinovning 70 yillik yubileyiga bag‘ishlangan “Erkin bozor mexanizmlarini joriy etish hamda sog‘lom raqobat muhitini yaratish orqali hududlarda tadbirkorlikni rivojlantirish istiqbollari” mavzusida respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman konferensiya 2022 yil.